

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM
VAZIRLIGI**

TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI

BYUDJET HISOBI VA DAVLAT JAMG'ARMALARI FAKULTETI

«BYUDJET HISOBI» KAFEDRASI

«BYUDJET HISOBI» FANIDAN

KURS ISHI

Mavzu: Asosiy vositalarni ta`mirlash xarajatlari

Bajardi: BH-80 guruhi
talabasi Turg`unboyev B.

Tekshirdi: k.o`q. K. Ibragimov

Toshkent-2014

М у н д а р и ж а :

Кириш.....	3
1-БОБ. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАЪМИРЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШИНИНГ НАЗАРИЙ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Бюджет ташкилотларида таъмирлаш харажатлари ҳисобини ташкил қилишининг мақсади вазифалари ҳамда хусусиятлари.....	5
1.2. Бюджет ташкилотларида таъмирлаш харажатлари ҳисобини ташкил қилишини меъёрий хуқуқий асослари	8
2-БОБ. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАЪМИРЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ЎРИТИШНИНГ АМАЛИЙ ХОЛАТИ	
2.1. Таъмирлаш ишларини ташкил этиш ва улар харажатларини ҳисобда акс эттириш амалиёти.....	12
2.2. Пудрат усулида таъмирлаш харажатлари ҳисоби.....	21
2.3. Хўжалик усулида таъмирлаш харажатлари ҳисоби.....	28
	--
3-БОБ. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАЪМИРЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	
3.1. Таъмирлаш харажатлари ҳисоби назоратини ташкил этиш.....	34
3.2. Таъмирлаш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш йўллари.....	36
Хуносা.....	37
Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....	39
Иловалар	

Кириш

Мамлакатимизда жахон молиявий иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилашга алоҳида эътибор қаратилиб келмоқда. Бу жараённи бюджет ташкилотларида фаолиятида хам кўриш мумкин. Яъни бюджет ташкилотлари ўзларининг зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган фаолиятларини амалга ошириши, шунингдек ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) жараёнида бир йилдан ортиқ хизмат қилиш муддатига эга бўлган моддий активлардан яъни асосий воситалардан фойдаланади. Техника ва технология янгиланиши тез суратлар билан ошиб бораётган шароитида уларни модернизациялаш заруриятини юзага келмоқда. Маълумки асосий воситалар ташкилотда фойдаланиши давомида ўзининг физик хусусиятларни йўқотиб боради. Уларни физик хусусиятларини тиклаш, олдинги холатда самарали фойдаланишни таъминлаш юзасидан бюджет ташкилотларида таъмирлаш жараёнлари амалга оширилади. Тамирлаш жараёнлари барча бюджет ташкилотларида узлуксиз амалга оширилиб келмоқда. Бухгалтерия ҳисоби обьектлари ҳисобини юритишнинг услугбий асослари давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлар талаблари асосида такомиллаштирилиши жараёнида асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари ҳисобини ташкил этиш ва юритиш мухим аҳамият касб этади. Халқоро стандартлар талабларидан келиб чиқиб қабул қилинган “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” йўриқномани қабул қилиниши асосий воситаларни таъмирлаш ҳисобини ташкил этиш ва юритишда янги тартиб ўрнатилишига асос бўлди. Бу ўз навбатида асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари ҳисобини назарий ва амалий жиҳатларни илмий тадқиқ этишни талаб этмоқда. Шунинг учун курс иши учун танланган мавзу бугунги кунда долзарб масалардан бири сифатида қаралмоқда.

Курс ишининг асосий мақсади этиб бюджет ташкилотларида асосий воситалар таъмирлаш харажатлари ҳисобини ташкил қилишнинг назарий ҳамда амалий жиҳатларини ҳозирги ҳолатини ўрганиш асосида уларни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Курс ишида қўйилган мақсадга эришиш учун қўйидаги вазифалар амалий ҳал этилади:

- Бюджет ташкилотларида таъмирлаш харажатлари ҳисобини ташкил этишни назарий асосларини ўрганиш;
- Бюджет ташкилотларида таъмирлаш харажатлари ҳисобини ташкил этишнинг алоҳида хусусиятларини ўрганиш;

- Таъмирлаш харажатларини ҳисобда акс эттиришни ташкил этиш амалиёти холатни ўрганиш;

- Хўжалик ва пудрат усулида асосий воситаларни таъмирлаш харажатларига оид бухгалтерия хужжатлари ҳамда ҳисоб регистрларини қўлланилиши тартибини назарий ҳамда амалий тадқиқ этиш;

- Хўжалик ва пудрат усулида асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари ҳисобини бухгалтерия счўтларида акс эттирилиши холатини назарий ва амалий тадқиқ этиш;

- Таъмирлаш харажатлари бўйича ҳисботларни шакллантириш ва улар назоратини ташкил этиш масалаларини ўрганиш;

- Бюджет ташкилотларида асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари ҳисобини ташкил этиш услубиётини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Курс ишини предмети этиб, бюджет ташкилотларида таъмирлаш харажатлари ҳисобини ташкил этиш билан боғлиқ иқтисодий жараёнлар белгиланган.

Курс ишини назарий асосини мамлакатимиздаги иқтисодчи олимлар ҳамда етакчи мутахассисларни таъмирлаш харажатлари ҳисобини ташкил қилишга оид илмий асарлари, асосий воситаларни таъмирлаш ҳисобига оид қабул қилинаётган меъёрий хукуқий хужжатлар ташкил этади. Шунингдек бюджет ташкилотлари йиллик ҳисботи, қонун ва меъёрий хужжатлардан кенг фойдаланилди.

Курс ишини натижасидан олинган илмий, амалий хулосалар, мулохазалар бюджет ташкилотларида таъмирлаш харажатлари ҳисобини ташкил этиш услубиётини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этиши билан белгиланади.

Курс иши кириш, иккита боб, хулоса ва тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан, иловалардан иборат бўлади.

1-БОБ. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАЪМИРЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШИННИГ НАЗАРИЙ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Бюджет ташкилотларида таъмирлаш харажатлари ҳисобини ташкил қилишнинг мақсади вазифалари ҳамда хусусиятлари

Бюджет ташкилотларида асосий воситалар фойдаланилиши жараёнида ўзини физик сифатини йўқотиб боради ва маънан эскиради. Шунингдек обьектнинг бази қисмилари дастлабки хусусиятини йўқотади. Фойдаланиш жараёнида асосий воситаларни баъзи қисмлари турли сабаларга қўраишламай қўяди.

Асосий воситаларни иш холатида сақланишини таъминлаш, меъёрий хизмат муддатида фойдали ишлатиш, тўла эскириш хисоблангунга қадар таъмирлаш жараёнини амалга ошириш заруриятини келтириб чиқаради.

Ўз вақтида асосий воситаларни таъмирланиши улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўлларидан биридир.

Таъмирлаш жараёнида обьектнинг даслабки холатидаги сифати ва хусусияти тўла ёки қисман тикланади.

Шунингдек асосий воситалар вақти - вақти билан яроқсиз холатга келгунга қадар тамирланиб туради. Бунда таъмирлаш бўйича харажатлари амалга оширилади.

Бухгалтерия ҳисоби таъмирлаш жараёнида қуйидагиларни таъминлаши шарт:

- Харажатларни белгилangan таъмирлаш мақсади учун амалга оширилишини таъминлаш;
- Тўғри ва ўз вақтида харажатларни ҳисобда акс эттириш;
- Объектни таъмирлаш учун ажаратилган маблағларни сарфланишини назорат қилиш;
- Таъмирлаш ишлари таннархини тўғри шакллантириш ва бошқалар.

Бюджет ташкилотларида ҳисобга қабул қилинган асосий воситаларнинг дастлабки қийматини ўзgartiriшга асосий восита обьектларида амалга оширилган қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция ёки модернизация қилиш, қисман тутатиш ва қайта баҳолаш амалга оширилган ҳолларда рухсат этилади.

Кўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишларига асосий воситалар объектигининг технологик ёки хизмат мўлжалининг ўзгариши, оширилган ишлар кўлами ва сифатни янада яхшилашга доир бошқа ҳоллар туфайли қилиниши лозим бўлган ишлар киритилади.

Реконструкция қилиш ишларига ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва унинг техник-иктисодий кўрсаткичларини ошириш билан боғлиқ бўлган ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, маҳсулот (ишлар, хизматлар) сифатини яхшилаш ва номенклатурасини ўзгартериш мақсадларида асосий воситаларни реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича амалга ошириладиган мавжуд асосий воситалар объектларини қайта қуриш киритилади.

Модернизация қилишга илфор техника ва технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни замонавийлаштириш ва уларни янгилари, унумдорлиги янада юқори бўлганлари билан алмаштириш асосида асосий воситалар ва уларнинг айрим қисмларининг техник-иктисодий кўрсаткичларини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси киради.

Асосий воситаларни ишчи ҳолатида сақлаб туриш эса, уларни таъмирлаш (жорий, ўртacha ва капитал тарзда) воситасида амалга оширилади (1.1.1-расм).



1.1.1 – Расм. Асосий воситаларни таъмирлаш шакллари.

Жорий таъмирлаш – асосий воситалар объектини ишчи ҳолатида сақлаб туриш мақсадида амалга ошириладиган таъмирлашдир. Жорий таъмирлаш асосан хўжалик усулида ташкилотни ўзи амалга ошириши мумкин.

Ўртача таъмирлашда таъмирланаётган агрегатни қисман ажратиш ва деталларнинг қисмларини тиклаш ёки алмаштириш амалга оширилади. Ўртача таъмирлаш ҳам хўжалик усулида ташкилотни ўзи амалга ошириши мумкин.

Ускуналар ва транспорт воситаларини капитал таъмирлаш – агрегатни тўлик ажратиб ийғиш амалга ошириладиган таъмирлашдир, базавий ва корпус деталлари ва узелларини таъмирлаш, барча эскирган деталлар ва узелларни алмаштириш ёки тиклаш ҳамда агрегатни ийғиш, созлаш ва синааб кўришдир.

Бинолар ва иншоотларни капитал таъмирлаш – базавий ва корпус деталлари ва узелларини таъмирлаш, барча эскирган конструкцияларнинг деталлари ва узелларини алмаштириш ёки тиклаш амалга ошириладиган таъмирлашдир

Асосий воситаларда амалга оширилган жорий ва ўрта таъмирлаш харажатлари ва уларнинг дастлабки қийматини ўзгартиришга сабаб бўлмайдиган капитал таъмирлаш харажатлари асосий воситалар таркибига киритилмайди ҳамда ҳисоботларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари иқтисодий таснифининг тегишли кодлари бўйича хақиқий харажатлар сифатида акс эттирилади ва ҳисбот йилининг охирида молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) манбаси бўйича ҳисобдан чиқарилади.

Таъмирлаш харажатлари ҳисобини ташкил этишдан мақсад бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси жараёнида асосий воситаларни ишчи холатда сақлаш мақсадида амалга оширилган харажатлар бўйича асосланган бухгалтерия ахборотларини шакллантириб беришдан иборатдир.

Таъмирлаш харажатлари ҳисобини ташкил этишда бухгалтерия ҳисоби олдига қуйидаги вазифалар қўйилади:

1. Таъмирлаш харажатлари ҳисобини қонунчиликда белгиланган тартибда таркибида ҳисобда акс эттириш;
2. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларини сметаларда ажартилган маблағлар доирасида амалга ошириш;
3. Таъмирлаш харажатларини ҳужжатларда тўғри расмийлаштирилиш ҳамда ҳисоб регистрларида ўз вақтида акс эттирилишини таъминлаш;
4. Таъмирлаш харажатларини қурилиш таъмирлаш бўйича тасдиқланган сматалар доирасида амалга оширилиши назорат қилиб бориш;
5. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобини юритиш;
6. Таъмирлаш харажатлари ҳолатини бухгалтерия ҳисобвақларда акс эттириш;

7. Таъмирлаш харажатлари бўйича ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ бухгалтерия ахборотларини шакллантириб бериш.

Бюджет ташкилотларида таъмирлаш харажатлари ҳисобини ташкил этишининг алоҳида хусусиятлари кўйидагилардан иборат:

- Таъмирлаш харажатлари тасдиқланган сметаларда ажартилган маблағлар доирасида амалга оширилади;
- Бюджет ташкилотларида таъмирлаш харажатлари ҳисоби манбаасидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига, бюджетдан ташқари (Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов контракт шакли, ривожлантириш жамғармаси, бошқа маҳсус) маблағлар ҳисобига алоҳида ташкил этилади;
- Бюджет ташкилотларида тамирлаш харажатлари бўйича касса ва хақиқий харажатлар ҳисоби юритилади;
- Бюджет ташкилотларида таъмирлаш харажатлари ҳисоби қатий қонунчилик тартибида амалга оширилади ва бошқалар.

1.2 Бюджет ташкилотларида таъмирлаш харажатлари ҳисобини ташкил қилишинин меъёрий хуқуқий асослари.

Бюджет ташкилотларида ҳисоб объектларини юритишининг меъёрий-хуқуқий тизимлари асосисини 1996 йилда халқаро талабларга тўла мос равишда қабул қилинган, бюджет ижросининг ҳисоби борасида ҳам асосий таянч қонунчилик базаси ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни ташкил этади. Бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади ва вазифалари, унинг субъектлари ва объектлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш борасидаги ваколатлари ва бошқа бир қатор асосий қонунчилик талаблари ўрнатилган.

Шунингдек, 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги ҳамда 2004 йил 26 августда қабул қилинган “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги қонунлари ҳам бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, харажатлар сметаси ижросини олиб бориш ва уни назорат қилиш, шунингдек бюджет ижроси бўйича ҳисботларни тузиш, тақдим қилиш ва бошқа бир қатор асосий қонунчилик нормаларни белгилаб беради.

1999 йил 3 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 414-сонли қарорига мувофиқ бюджет ташкилотлари бюджет маблағлари ҳисобига 1 - 4 гурӯҳ бўйича молиялаштириш белгиланган. Бюджетдан молиялаштириш 4 гурӯҳ “Бошқа харажатлар”

гурухида бюджет ташкилотларида таъмирлаш харажатларини амалга ошириш учун бюджетдан маблағ ажартилиши кўрсатилган. Шунингдек ушбу хужжатга асосан бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари Молия вазирлигининг Фазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган ҳисоб рақамларида ҳисбот чорагининг охирги иш куни охирида бюджет маблағлари бўйича тежаб қолинган маблағлар, фаолияти турига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадлар, балансида бўлган давлат мулкини ижарага беришдан қонун хужжатларига мувофиқ олинган маблағларнинг бир қисми, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бериладиган ҳомийлик ёрдами (бегараз ёрдам) ҳисобидан шакллатириши белгиланган бўлиб ушбу бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига бюджет ташкилотларида асосий воситаларни тамирлаш ишлари учун маблағлар сарфланиши мумкинлиги келтирилган.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида йўриқномани 2011 йил 1 январдан кучга кириши бухгалтерия объектларини шу жумладан асосий воситаларни таъмирлаш ҳисобини халқоро стандартлар талаблари даражасида ҳисобини ташкил этиш имконияти юзага келди.

Ушбу йўриқномага мувофиқ таъмирлаш харажатлари бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатларни субсчётларда акс эттириш тартиби белгиланди.

Таъмирлаш ҳисобини бевосита ва билвосита ташкил этишини тартибга солувчи
қонунлар ва қонуний хужжатлар (Ўзбекистон Республикаси қонунлари,
Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари)


Таъмирлаш харажатлари ҳисобини
ташкил этишини базавий
тамоилларини умумлаштирувчи
меъёрий хужжатлар
(йўриқномалар, низомлар)

Таъмирлаш харажатлари ҳисобини
юритиши механизми,
хусусиятларини акс эттирувчи
хужжатлар (Ўзбекистон
Республикаси Молия
вазирлигининг услубий
кўрсатмалари, тавсиялари)
Ишчи хужжатлар.

1.2.1-расм. Таъмирлаш харажатлари ҳисобини меъёрий хуқуқий асослари¹

¹ Меъёрий-хуқуқий хужжатларга асосан муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Умуман бюджет ташкилотларида таъмирлаш харажатлари ҳисобини меъёрий хуқукий асосларини умумлашган холда қўйидагилардан иборат эканлигини кўрсатиш мумкин.



1.2.2. чизма. Бюджет ташкилотларида таъмирлаш харажатлари ҳисобини меъёрий асослари даражалари².

² Меъёрий-хуқукий хужжатларга асосан муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки бюджет ташкилотларида асосий воситалар ҳисобини юритиш бўйича қатий қонунчилик тизими яратилган.

Бюджет ташкилотларида асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари хисобини меъёрий хукукий асосларини қўйидаги кўринишда хам акс эттириш мумкин (1.2.1-чизма).

Чизмадан кўриниб турибдики бюджет ташкилотларида асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари хисобини ташкил этиш “Бюджет тизими тўғрисида”, “Бухгалтерия хисоби тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунлари хамда қурилиш таъмирлаш ишларига оид Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси қарори билан тасдиқланган қонуний хужжатларга асосан Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган йўриқномалар, низомлар биринчи даражали меъёрий асослар кўринишида эътироф этиш мумкин.

Иккинчи даражали меъёрий асосларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган услубий тавсиялар кўрсатмаларни эътироф этиш мумкин.

Учинчи даражали меъёрий асосларга асосий воситаларни таъмирлаш ҳисоби бўйича бюджет ташкилотининг ички хисоб сиёсати, ички назорат тизими, иш хужжатларини келтириш мумкин.

2-БОБ. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАЪМИРЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ЎРИТИШНИНГ АМАЛИЙ ХОЛАТИ

2.1 Таъмирлаш ишларини ташкил этиш ва улар харажатларини ҳисобда акс эттириш амалиёти.

Таъмирлаш ишлари деганда пудрат шартномасига кўра буюртмачиларга асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган обьектларни техник-ишлаб чиқариш ҳолатини ишчи ҳолатда ушлаб туриш, уларнинг техник-иктисодий даражасини сақлаш мақсадларида бажарилган ишлар тушинилади. Бу ишлар, одатда, буюртмачилар бино ва иншоатларининг миқдорий ҳажмини кенгайтирмайди. Бироқ, таъмирлаш ишлари буюртмачиларда меҳнат шароитларини, атроф муҳит муҳофазани яхшилашга имкон беради.

Бюджет ташкилотларида таъмирлаш ишлари яъни жорий, ўрта, капитал таъмирлаш ишларини ташкил этишда биринчи навбатда тегишли мутахассислар иштирокида нухсонлар далолатномаси тузилади. Нухсонлар далолатномасига асосан таъмирлаш ишлари ҳажми катта бўлганда смета тузувчи ва сметаларни эксперизадан ўтказиш хуқуки бўлган хўжалик субъектларига мурожат қилинади. Сметалар ўрнатилган тартибда смета тузувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади. Бу сметалар таъмирлаш ишлари учун амалга ошириладиган харажатлар ҳажмини белгилаб беради ва ўрнатилган тартибда пудрат ёки хўжалик усулида таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Капитал қурилиш - янги қурилиш, корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш, обьектлар ва асосий воситаларни мукаммал таъмирлаш, шу жумладан лойиҳа-қидирув ишларини бажаришdir.

Қурилишнинг лойиҳалаштириш жараёнида янги бино ва иншоатларни қуришнинг техник, технологик, геодезик, топографик ва барча бошқа жиҳатлари ўрганилади, уларнинг аниқ параметрлари ва ўлчамлари белгиланади. Қурилиш лойиҳаси, одатда, маҳсус лойиҳалаштириш муассасалари (институтлар) томонидан буюртмачи билан тузилган шартномага асосан ишлаб чиқилади. Ишлаб чиқилган лойиҳа қуриладиган обьект жойлашган худуднинг шаҳарсозлик бош лойиҳаси талабларига зид бўлмаслиги лозим. Шу боис ҳам янги обьектларни қуришдан олдин уларнинг лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг жойлардаги бошқармалари ва бўлимлари томонидан кўриб чиқилади ва маъкулланади. Лойиҳалаштириш жараёнининг натижаси бўлиб янги қуриладиган обьектнинг барча техник-

иқтисодий параметрларини ифодаловчи лойиҳаси ва қуриш сметаси ҳисобланади. Қуриш сметасида объектни қуриш билан боғлиқ барча ишларнинг ҳажми, уларнинг белгиланган меъёр ва тартибларга мувофиқ ҳисобланган қиймати кўрсатилади. Лойиҳа қиймати пудратчи ва буюртмачи ўртасида тузиладиган шартнома қийматини белгилашга асос бўлади.

Қуришга тайёргарлик ва унинг таъминот жараёни буюртмачи ва пудратчи томонидан амалга ошириладиган маълум ишлардан ташкил топади. Бу ишларни бажариш бўйича томонларнинг мажбуриятлари тузилган шартномада ўз аксини топади. Масалан, буюртмачи бу жараёнда ўз зиммасига қуриш учун керакли бўлган материалларни пудратчига етказиб бериш, олдиндан тўлов суммасининг келишилган қийматини (loyiha қийматининг 15 фоиз қисмини) қурувчи ташкилотнинг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш кабиларни олади. Пудратчи ташкилот қуриш учун керакли техника ва жиҳозларни қурилиш майдончасига етказиш, уларни қуриш ишлари учун тайёрлаш ва шу каби мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Объектни қуриш жараёни қурилишнинг титул рўйхатида кўрсатилган ишларни босқичмабосқич лойиҳани бажариш жадвалига (графигига) мувофиқ амалга оширишдан иборат бўлади. Қурилиш объектларининг битказилган, лекин буюртмачига ҳали топширилмаган қисми тугалланмаган ишлаб чиқариш (қурилиш ишлари) ҳисобланади.

Қурилган объективни фойдаланишга топшириш қурилишнинг якуний жараёнидир. Бу жараён қурилишга доир лойиҳадаги барча ишлар тутатилгач, тузилган маҳсус комиссия томонидан амалга оширилади ва мос равиша «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» билан расмийлаштирилади. Ушбу хужжат имзоланган ва тасдиқлангандан сўнг қурилган объектив пудратчи учун бажарилган (сотилган) иш, деб ҳисобланади.

Қурилиш ишлари ўз ичига монтаж ишларини ҳам олади. Шу боис биргаликда олиб борилган ушбу ишлар қурилиш-монтаж ишлари ҳам деб аталади.

Жиҳозларни ўрнатиш ишлари деганда жиҳозлар, ускуналар ва бошқа конструкцияларни йиғиши, ўрнатиш ва фойдаланишга тушириш билан боғлиқ ишлар мажмуаси тушунилади. Чунончи, бино ва иншоатларни қуришда бажариладиган жиҳозларни ўрнатиш ишлари таркибиға кўтариш-тушириш қурилмалари (лифт, эскалатор ва бошқалар)ни, иситиш, совутиш, ёритиш, сув бериш, ҳавони алмаштириш, санитария-гигиена техникаси қурилмаларини ўрнатиш, йиғиши, ўтказиш, изолация қилиш ва шу каби бошқа ишлар киритилади.

Кенгайтириш деганда пудрат шартномасига кўра буюртмачиларнинг харакатдаги бино ва иншоатларига қўшимча ишлаб чиқариш объективларини қуриш, асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи цехларнинг майдончаларини ишлаб чиқариш кувватини ошириш мақсадида кенгайтириш билан боғлиқ ишлар тушунилади. Кенгайтириш ишларига шунингдек

буортмачилар узок муддатли активлари таркибига киритиладиган ва алоҳида балансга ажратилмайдиган филиаллари ва ишлаб чиқариш бўлинмаларини қуриш ҳам киритилади. Кенгайтириш ишлари худди янги қурилиш сингари лойиҳадаги барча ишлар тугатилгач, пудратчи томонидан буортмачига «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» асосида топширилади. Ушбу хужжат имзоланган ва тасдиқлангандан сўнг кенгайтиришга доир ишлар пудратчи ташкилот учун бажарилган (сотилган) деб ҳисобланади.

Реконструкция деганда пудрат шартномасига кўра буортмачиларнинг харакатдаги асосий, ёрдамчи ва хизмат қўрсатувчи обьектларини дастлабки холатини кенгайтирмасдан қайта ўзгартириб чиқиш тушунилади. Реконструкциядан асосий мақсад бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

- ишлаб чиқарishни такомиллаштириш ва унинг техник-иктисодий даражасини илмий-техника тараққиёти ютуқлари асосида қўтариш;
- ҳаракатдаги ишлаб чиқарish обьектлари қувватини ошириш;
- ишчи ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш;

Реконструкция ишлари лойиҳадаги барча ишлар тугатилгач, пудратчи томонидан буортмачига «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» асосида топширилади. Ушбу хужжат имзоланган ва тасдиқлангандан сўнг реконструкция ишлари пудратчи ташкилот учун бажарилган (сотилган) иш деб ҳисобланади

Бюджет ташкилотлари қурилиш таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун тузилган сметаларга асосан ўрнатилган тартибда шартнома тузадилар. Бунда шартнома қиймати 50 минг АҚШ долларигача бўлса биржа савдоларига сўровнома тақдим этиш орқали биржада ғолиб топилган хўжалик субъекти ҳақида белги билн шартнома ғазначилик бўлимларига топширилади. Ғазначилик бўлимлари қурилиш таъмирлаш ишлари бўйича тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказади ва юзага келган юридик ҳамда молиявий мажбурият рўйхатга олинади ва тўлаб берилади.

Шартнома қиймати 50 минг АҚШдан юқорини ташкил этса унда тендер савдолари ўтказиш орқали қурилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Танлов савдолари қўйидагиларга бўлинади:

очиқ танлов савдолари - оферентлар сони чекланмайди;

ёпиқ танлов савдолари - оферентлар сони чекланади.

Ёпиқ танлов савдолари ўтказиш түғрисидаги қарор Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул килинади.

Очиқ ёки ёпиқ танлов савдолари талабгорнинг малакаси олдиндан аниқланган ҳолда ёки аниқланмасдан, ёхуд икки босқичли бўлиши мумкин. Талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдоларининг биринчи тури, танлов савдоларининг ғолибини аниқлаш - унинг иккинчи тури ҳисобланади. Талабгорнинг малакаси олдиндан аниқланадиган очиқ ёки ёпиқ танлов савдолари ўтказишида талабгорларнинг умумий рўйхати тузилади, талабгорнинг малакаси олдиндан аниқланади ва малакаси олдиндан аниқланган талабгорлар ўртасида танлов савдолари ўтказилади.

Икки босқичли танлов савдолари:

- буюртмачи танлов савдолари предметининг аниқ тавсифини ва ўзига хослигини шакллантириш имкониятига эга бўлмаган;
- шартномада ишларни уларнинг рентабеллигини таъминлаш учун етарли бўлган ёки тадқиқ этиш ёки ишлаб чиқишига сарфланган харажатлар қопланишини таъминлайдиган ҳажмларда бажариш назарда тутилган ҳоллардан ташқари, буюртмачи илмий тадқиқотлар, экспериментлар ўтказишига, қидиувлар ёки ишланмалар юзасидан шартнома тузиш ниятида бўлган ҳолларда ўтказилади.

Икки босқичли танлов савдолари қуйидаги тартибда ўтказилади:

- биринчи босқичда концептуал қарор ва техник, тижорат жиҳатидан аниқланиши ва тузатилиши керак бўлган, танлов ҳужжатларида кўрсатилган шартлар асосида ишлаб чиқилган оферта баҳоси кўрсатилмаган ҳолда тақдим этилади. Танлов савдолари предмети параметрлари бўйича оферент билан музокаралар олиб борилишига йўл қўйилади. Оферталарнинг умумий сонидан танлов савдоларининг иккинчи босқичида қатнашишга йўл қўйиладиган оферталар танлаб олинади;
- иккинчи босқичда танлов савдолари предметининг аниқлаштирилган параметрлари ҳисобга олинган, баҳоси мажбурий тартибда кўрсатилган ҳолда оферталари танлов савдоларининг иккинчи босқичига ўтган қатнашчиларнинг таклифлари ва буюртманомалари берилган ҳолда танлов ҳужжатларига тузатиш киритилади.

Икки босқичли танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ "Давархитектқурилиш" қўмитаси томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Ёпиқ танлов савдолари ишлар ва хизматлар юқори даражада мураккаблиги (ёки торихтисослашуви) билан фарқланадиган ва фақат пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг чекланган сони билангина бажарилиши мумкин бўлган ҳолларда ташкил этилади.

Ёпиқ танлов савдоларини ўтказишида танлов савдолари ташкилотчиси пудратчилар (етказиб берувчилар) умумий сонидан олдиндан етарлича малака маълумотларига эга бўлганларни, бироқ уларнинг камида учтасини танлайди ва уларга танлов савдоларида қатнашишга таклифнома юборади.

Агар пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг умумий сони иккитадан ортиқ бўлмаса, у ҳолда таклифнома уларнинг ҳар иккаласига юборилади ва танлов савдолари уларнинг иштироқида ўтказилади.

Улардан бири рад этган тақдирда танлов шартлари аниқлаштирилган ва/ёки унга тузатишлар киритилган ҳолда такрорий танлов савдолари эълон қилинади.

Ёпиқ танлов савдоларини ташкил этишида матбуотда эълон берилмайди, танлов савдолари таклиф этилган талабгорлар ўртасида ўтказилади.

Танлов савдолари предмети харидининг умумий қиймати 50 минг АҚШ доллариға тенг суммани ташкил этган ҳолларда улар:

харид қилинадиган товар, ишлар ва хизматларнинг тавсифи, миқдори, бажариш муддатлари ва товарни етказиб бериш пункти кўрсатилган ҳолдаги таклифларни талабгорларга юбориш;

етказиб берувчи ёки пудратчи томонидан эълон қилинган баҳо ва тавсифларни таққослаш йўли билан эркин савдода амалга оширилиши мумкин.

Танлов савдолари ташкилотчиси танлов савдолари тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон беради ёки потенциал пудратчиларга (етказиб берувчиларга) танлов савдоларида қатнашишга таклифнома жўнатади.

Танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълонда ёки танлов савдоларида қатнашишга таклифномада қуидаги маълумотлар бўлиши керак:

- танлов савдолари ташкилотчисининг номи ва манзили;
- танлов савдолари предметини маблағ билан таъминлаш манбалари;
- танлов савдолари предметининг тавсифи ва уни сотиш жойи;
- танлов савдолари предметини сотиш муддати;
- талабгорларга қўйиладиган асосий шартлар;
- танлов ҳужжатларини сотиб олиш жойи ва унинг учун тўлов миқдори;
- оферталарни тақдим этиш жойи, охирги куни ва вақти;
- оферталарни очиш жойи, куни ва вақти.

Танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълон факат танлов хужжатларига ижобий эксперт хулосаси мавжуд бўлган тақдирдагина чоп этилиши мумкин.

Танлов хужжатлари, коидага кўра, уч қисмдан: умумий, техник ва тижорат қисмидан иборат бўлади.

Танлов савдолари, коидага кўра, буюртмачи жойлашган жойда ўтказилади.

Тендер савдоларида ғолиб чиққан ташкилот билан қурилиш шартномаси тузилади.

Қурилиш шартномаси бўйича харажатлар қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- бевосита контракт билан боғлиқ харажатлар;
- қурилиш шартномаси бўйича фаолият билан умумий ҳолда боғлиқ бўлган ва конкрет шартномага киритилиши мумкин бўлган харажатлар;
- шартнома шартларига кўра қопланиши кўзда тутилган бошқа харажатлар.

Конкрет шартномага бевосита олиб бориладиган харажатларга қўйидагилар киритилади:

- қурилиш майдонидаги ишчилар ва унинг назорати бўйича иш ҳаки харажатлари;
- қурилиш учун ишлатилган материаллар;
- шартномани бажариш учун ишлатилган асосий воситалар амортизацияси;
- қурилиш майдонига машина, ускуна ва материалларни етказиш ва ундан қайтариш харажатлари;
- машина ва ускуналар ижараси харажатлари;
- шартнома билан боғлиқ конструкторлик ва техник ёрдам ишларига харажатлар;
- кафолатланган ишлар, шу жумладан кафолатланган таъмирлаш ҳамда хатоларни тузатишлар бўйича харажатлар;
- учинчи томонлар эътиrozлари.

Бундан ташқари қурилиш шартномаси бўйича харажатларга умумий ҳолда алоқадор ҳамда конкрет шартномаларга олиб борилиши мумкин бўлган харажатлар:

- суғурта тўловлари;
- шартнома билан бевосита боғлиқ бўлмаган конструкторлик ва техник ёрдам ишларига харажатлар;
- қурилишнинг устами харажатлари.

Капитал қурилиш харажатлари бўйича шартномаларнинг икки асл ва бир кўчирма нусхаларидан ташқари, Буюртмачилар томонидан ғазначилик бўлинмасига қўйидаги хужжатлар тақдим қилинади:

конкурс комиссиясининг қурилиш ишлари билан боғлиқ иш ва хизматларнинг пудратчи қурилиш (лойиҳачи) ташкилотини ва бошқа бажарувчиларини танлаб олиш бўйича йигилиш баённомаси нусхаси, қачонки танлов савдолари предмети харидининг умумий қиймати 50 минг АҚШ долларидан юқори суммани ташкил этган ҳолларда;

конкурс комиссиясининг қурилиш ишлари билан боғлиқ иш ва хизматларнинг пудратчи қурилиш (лойиҳачи) ташкилотини ва бошқа бажарувчиларини танлаб олиш бўйича йигилиш баённомаси нусхаси, қачонки танлов савдолари предмети харидининг умумий қиймати 50 минг АҚШ долларигача суммани ташкил этган ҳолларда улар харид қилинадиган товар, ишлар ва хизматларнинг тавсифи, миқдори, бажариш муддатлари ва товарни етказиб бериш пункти кўрсатилган ҳолдаги таклифларни талабгорларга юбориш ёки маҳсулот етказиб берувчи ёки пудратчи томонидан эълон қилинган баҳо ва тавсифларни таққослаш йўли билан эркин савдода амалга оширилиши мумкин;

буортмачининг пудрат қурилиш (лойиҳа) ишлари учун ўтказилган танлов савдолари натижалари бўйича ҳисоботининг Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш билан келишилган нусхаси;

пудратчи қурилиш ташкилотининг қурилиш хавфини суғурталаш бўйича шартномасининг буортмачи раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланган нусхаси;

Давлатқурилишназорат инспекциясининг қурилиш-монтаж ишларини бажаришга рухсатномасининг буортмачи раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланган нусхаси;

белгиланган тартибда тасдиқланган қурилишларнинг манзилли рўйхати (лойиҳа-тадқиқот ишларининг манзилли рўйхати) ва қурилишларнинг титулли рўйхатлари нусхалари, шунингдек белгиланган тартибда тасдиқланган ва конкурс савдоларининг ўтказилиши бўйича қурилишларнинг аниқланган манзилли ва титулли рўйхатлари нусхалари;

давлат экология экспертизаси хulosаси нусхаси (зарур бўлганда).

Капитал қўйилмаларга харажатлар аралаш манбалар ҳисобидан, мисол учун инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар доирасида амалга ошириладиган ва Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ва Халқаро молия институтлари (Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқалар)нинг кредитлари, қарзлари ва грантлари ҳисобидан молиялаштириладиган ҳолларда, шартномалар, иш бажарилганлигини тасдиқловчи бирламчи ва бошқа ҳужжатлар халқаро шартномалар талаблари ва шаклларига мувофиқ амалга оширилади.

Бунда, капитал қурилиш буортмачилари ғазначилик бўлинмаларига рўйхатга олиш учун шартномаларнинг иккита асл ва бир кўчирма нусхасини тақдим қиласи, ғазначилик бўлинмалари уларни ўрнатилган тартибда текширгандан сўнг, уларни ғазначилик бўлинмасининг (биринчи ва иккинчи) имзо қўйиш ҳукуқига эга бўлган тегишли шахслари

(кейинги ўринларда - мансабдор шахслар) имзоси қўйилган ва ғазначилик бўлинмасининг муҳри билан тасдиқланган шартномалар нусхаларининг барча варакларига "Рўйхатга олинган" штампини қўйиш йўли билан рўйхатга олади.

Ушбу бандда кўрсатилган шартномалар бўйича харажатлар тўловларини амалга ошириш учун асос, шартномаларда кўрсатилган хужжатлар, қоидага кўра, ҳисобварақ-фактуралар, оралиқ тўловлар сертификатлари, инвойслар, молиявий ҳисботлар ва шартномаларда назарда тутилган бошқа хужжатлар ҳисобланади.

Тендер савдолари ёки конкурс таклифлари танловини ўтказмасдан лойиҳачи ёки пудратчи ташкилотни танлашда буюртмачи томонидан ғазначилик бўлинмасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг тегишли қарорининг нусхаси тақдим этилади.

Ғазначилик бўлинмаси бюджетдан маблағ оловчи томонидан шартнома тақдим этилган кундан бошлаб уч иш куни давомида шартномада кўрсатилган суммани бюджетдан маблағ оловчиларнинг харажатлар сметасида назарда тутилган тегишли ажратилган бюджет маблағларнинг мавжудлигига текширади.

Ғазначилик бўлинмаларининг ходимлари томонидан қабул қилинган шартномалар қўйидагиларнинг мавжудлигига текширилади:

қонунчиликка мувофиқ юридик хизмат ёки жалб қилинган адвокатларнинг имзолари, юридик хуносалари;

томонларнинг зарур банк реквизитлари, муҳри ва имзолари;

товар (иш, хизмат)ларнинг етказиб бериш жадвали, қурилиш пудрат шартномалари бўйича қурилиш объекти жадвали.

Капитал қўйилмалар харажатлари бўйича тузиладиган шартномаларда тўлов шартлари ва муддатлари ва уларга илова қилинадиган тўлов жадваллари қонунчиликка мувофиқ бўлиши лозим.

Бунда, обьектлар қурилишининг "фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш" пудрат шартномаларида капитал қурилиш буюртмачисининг банк реквизитлари ўрнига Ғазначиликнинг ягона маълумотлар базасида ушбу буюртмачи учун очилган тегишли шахсий ҳисобварақ реквизитлари кўрсатилади.

Агар тузилган шартномага мувофиқ тўланиши лозим бўлган пул маблағлари суммаси бюджетдан маблағ оловчининг харажатлар сметасида назарда тутилган ажратилган бюджет маблағлари суммасидан ошса, ушбу шартнома бюджетдан маблағ оловчига ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинмасдан қайтарилади.


Объектлар қурилишини "фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш"да ва ундан фойдаланишнинг кафолатли муддати тугаганда ғазначилик бўлинмаси томонидан кейинги

молия йилида Фазначилик дастурий мажмуида тасдиқланган манзилли рўйхатда пурратчи қурилиш ташкилотига тўланиши назарда тутилган маблағлар доирасида жорий молия йилига юридик мажбуриятлар ҳисобга олинади. Шартноманинг қолган суммаси уларни тегишли обьект бўйича жорий йилнинг манзилли ва титул рўйхатида акс эттирилиши шарти билан кейинги молия йили мажбуриятларида ҳисобга олинади.

Юқорида келтириб ўтилган жараёнлар бюджет ташкилотлари бухгалтерия бўлимлари томонидан кўрсатиб ўтилган хужжатлар тайёрланади ва ижроси таъминланади.

Жорий, ўрта, капитал таъмирлаш харажатлари бюджет ташкилотларида асосий воситалар қийматини оширмиайди, балки жорий илга тамирлаш харажатлари кўринишида ҳисобдан чиқарилади.

Таъмирлаш ишлари бюджет маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига ташкил этилиши мумкин. Агар бюджет маблағлари ҳисобига ташкил этилса унда харажатлар бюджет харажатлари счётига ёзилади. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича бўлса маблағлар манбалари бўйича тўловларни маҳсус турлари бўйича, ўқитишнинг тўлов контракт шакли бўйича, бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ёки бюджетдан ташқари бошқа маблағлар бўйича харажатлар счёtlарида акс эттирилади.



2.1.1-чизма. Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобида таъмирлаш харажатлари бўйича ахборотларни шакллантиришнинг схематик кўриниши³.

³ Иқтисодий адабиётлардан фойдаланган холда муаллиф томонидан тузилган

2.2. Пудрат усулида таъмирлаш харажатлари ҳисоби

Пудрат усулида таъмирлаш ишлари деганда буюртмачи томонидан таъмирлаш ишларини алоҳида қурилиш таъмирлаш ишларини амалга оширувчи ташкилотларни жалб этган холда амалга ошириш тушунилади.

Пудратчи ташкилотлар билан бюджет ташкилотлари ўртасида таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича шартнома расмийлаштирилади. Шартномани расмийлаштириш ва тўловларни амалга оширишини юқорида қайд этиб ўтдик. Шартнома баҳоси пудрат ташкилоти пудрат шартномасига кўра объектда бажарадиган ишларнинг қийматидир. Шартнома баҳоси объектдаги бутун қурилиш таъмирлаш ишлари давомида ўзгартирилиши мумкин эмас.


Шартнома баҳоларини аниқлаш ва келиши тартиби тасдиқланган қурилишда шартнома баҳоларини аниқлаш ҳамда қўллаш бўйича методик кўрсатмаларда белгилаб берилган. Бу методик кўрсатмалар сметаларни ишлаб чиқувчи ташкилотлар асос сифатида фойдаланадилар

Методик кўрсатмаларга кўра шартнома баҳосига қуйидагилар киритилган:

корхона, бино, иншоот, уларнинг навбатлари ишга туширилади комплекслар қуриш қийматининг йиғма ҳисоб-китоб системаларида аниқланган қурилиш-монтаж ишларининг смета қиймати ёки бу ишларнинг техник иқтисодий асослаш ва техник иқтисодий ҳисоб-китоблар (ТИХ) таркибида аниқланган ҳисоб-китоб қиймати, пудратчи фаолиятига тааллуқли бошқа иш ва харажатларнинг бир қисми (масалан, сметаларда ҳисобга олинадиган материаллар қийматидаги фарқ учун товон тўлаш харажатлари, белгили хизмат муддатини ўтаганлик учун тўловлар харажатлари, меҳнатга бир йула хақ тўлаш харажатлари ва бошқалар киритилади).

Пудрат усулида таъмирлаш ишларини амалга ошириш ва улар бўйича харажатларни шакллантириши босқичлари қуйидагилардан иборат (2.2.2-чизма)

1. Қурилиш таъмирлаш ишлари бўйича нуқсонлар далолатномасини тузиш;
2. Қурилиш таъмирлаш ишлари бўйича смета тузиш;
3. Қурилиш таъмирлаш ишлари бўйича пудрат шартномаси тузиш, одиндан тўловни амалга ошириш;
4. Қурилиш таъмирлаш ишлари пудратчи ташкилотлар томонидан амалга оширилиши;
5. Қурилиш таъмирлаш ишларини пудратчи ташкилотларидан қабул қилиш;
6. Қурилиш таъмирлаш ишларини харажатларда акс эттириш (хисоблаш усулида).
7. Тўловларни амалга ошириш.



2.2.2-чизма. Бюджет ташкилотларида пурдат усулида қурилиш – тамирлаш ишларини амалга оширилиши босқичлари⁴.

Пурдат усулида амалга ошириладиган тъмирлаш ишларини амалга оширишда қуйидаги бирламчи бухгалтерия хужжатлари расмийлаштирилади:

- Бажарилган ишлар қиймати бўйича счёт фактура маълумотнома (харажатлар бўйича)
- Бажарилган ишларни топшириш қабул қилиш далолатномаси;
- Тўловларни амалга оширганлик бўйича тўлов топшириқномаси;
- Бухгалтерия маълумотномалар.


Юқорида келтирилган дастлабки бухгалтерия хужжатларига асосан йигма қайдномалар ҳамда 6-мемориал ордер – турли ташкилот ва муассасалар билан олиб бориладиган ҳисоб китоблар бўйича жамланма қайднома 408-сон шакл расмийлаштирилади. 6-мемориал ордер – турли ташкилот ва муассасалар билан олиб бориладиган ҳисоб китоблар бўйича жамланма қайднома 408-сон шаклга асосан Бош журнал китоби ва тегишли ҳисбот шакллари расмийлаштирилади.

Бажарилган ишлар қиймати бўйича счёт фактура маълумотнома (харажатлар бўйича) ҳамда бажарилган ишларни топшириш қабул қилиш далолатномасига асосан бухгалтерия

⁴ Иқтисодий адабиётлардан фойдаланган холда муаллиф томонидан тузилган

ходимлари тегишли бухгалтерия ўтказмасини расмийлаштиради. Яъни қурилиш таъмирлаш ишлари бўйича харажатларни тан олиниши ҳисобда акс эттирилади.

Бу хужжатларга асосан тўловларни амалга ошириш учун тегишли тўлов топшириқномалари ғазначилик бўлимлари томонидан расмийлаштирилиб юзага келган молиявий мажбуриятлар тўлаб берилади.



Курс ишининг обьекти ҳисобланган 14 сонли мактаб-боғчада 2010 йилда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Капитал таъмирлаш ишларининг умумий қиймати 29 785.1 минг сўмни ташкил қиласан. Бу қурилиш таъмирлаш иши бўйича 2010 йил 12 августда 17- сонли пудрат шартномаси тузилган (шартнома нусхаси иловада берилган, илова-1). Ушбу шартнома бўйича таъмирлаш харажатлари қуидагилардан ташкил топган(2.2.1-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 14 сонли мактаб боғчада капитал таъмирлаш харажатларининг асосий қисми материал харажатларга қилинганлигини кўриш мумкин. Бунда қурилиш материаллари учун сарф харажатлар 22751.9 минг сўмни ёки жами

⁵ Иқтисодий адабиётлардан фойдаланган холда муаллиф томонидан тузилган

харажатнинг 76.4 фоизини ташкил этган. Асосий иш хақи ягона ижтимоий тўлов ажартмалари билан харажатлар 1630.1 минг сўмни ёки умумий харажатни 5.5 фоизини ташкил этган.

Пудратчининг бошқа харажатлари эса 5 403.1 минг сўмни ташкил этиб умумий харажатнинг 18.1 фоизини ташкил этган.

2.2.1-жадвал

Қарши шахар 14-сонли мактаб боғчасида капитал таъмирлаш харажатлари⁶

(минг сўмда)

№	Харажатлар номи	Баҳоси	Жамига нисбатан фоизда
1	Қурилиш материаллари харажатлари	22 751.9	76.4
2	Асосий иш хақи ягона ижтимоий тўлов ажартмалари билин	1 630.1	5.5
3	Пудратчининг бошқа харажатлари	5 403.1	18.1
	Жами	29 785.1	100

Қарши шахар 14 сонли мактаб-боғчада 2010 йилда бажарилган таъмирлаш ишлари қиймати 10 500 минг сўмни ташкил этган (Бажарилган ишларни қабул қилиш топшириш далолатномаси 2010 йил сентябр учун) (илова-2).

Бу далолатномага кўра жами 10500 минг сўмни 490.4 минг сўми иш хақи харажатлари, 7889.8 минг сўми материал харажатлар, 394.5 минг сўми тарнспорт харажатлари ташкил этади.

Бухгалтерия ҳисобида таъмирлаш харажатлари юқорида қайд этилганидек харажатларни ҳисобга олувчи счёtlарда юритилади (2.2.3-чизма).

Бюджет маблағлари бўйича таъмирлаш ишларини ташкил этилиши қўйидагича расмийлаштирилади:

1) Пудрат шартномасига асосан белгиланган тартибда ғазначилик бўлимлари томомонидан олдиндан тўлов амалга оширилганда;

Дебет 150 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” субсчёт кредит 232 “Бюджетдан молиялаштириш” субсчётида акс эттирилади.

⁶ 14-сонли мактаб боғча бухгалтерия хужжатлари асосида тузилган

2) Пудрат шартномасига асосан белгиланган тартибда бажарилган таъмирлаш ишлари топширилганда (Бажарилган ишларни қабул қилиш топшириш далолатномасига асосан);

Дебет 231 “Бюджет маблағлари бўйича хақиқий харажатлар” субсчёти, кредит 150 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан хисоб-китоблар” субсчётида акс эттирилади.

3) Пудрат шартномасига асосан белгиланган тартибда қолган тўлов амалга оширилганда

Дебет 150 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан хисоб-китоблар” субсчёти кредит 232 “Бюджетдан молиялаштириш” субсчётида акс эттирилади

Таъмирлаш харажатлари асосий воситалар таркибига киритилмайди ҳамда ҳисботларда (харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисбот – 2 шаклда) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари иқтисодий таснифининг тегишли кодлари (42 30 000 “Сақлаб туриш ва жорий таъмирлаш” моддасининг 42 32 200 “Нотурар жой бинолари” элементи) бўйича харажатлар сифатида акс эттирилади, яъни

2.2.2-жадвал

Харажатлар сметасининг ижроси ҳақида ҲИСОБОТ⁷ (2-шакл)

минг сўмда

Тоифа	Модда ва кичик модда	Элемент	Харажатлар номи	Тасдиқла нган (аниқланг ан) режа	Ҳисбот даври учун молиялашт ирилган	Касса харажати - жами	Ҳақиқий харажатлар - жами
42	30	000	Сақлаб туриш ва жорий таъмирлаш				
42	32	200	Нотурар жой бинолари				

Тўловларнинг махсус турларига доир хисоб-китоблардан тушган маблағлар бўйича таъмирлаш ишларини ташкил этилиши қўйидагича расмийлаштирилади:

⁷ “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар” Ўз.Р АВ. томонидан 2011 йил 27 сентябрда № 2270-сон билан рўйхатдан ўтган

1) Пудрат шартномасига асосан белгиланган тартибда ғазначилик бўлимлари томомонидан олдиндан тўлов амалга оширилганда;

Дебет 150 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” субсчёт кредит 110 “Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар” субсчётида акс эттирилади.

2) Пудрат шартномасига асосан белгиланган тартибда бажарилган таъмирлаш ишлари топширилганда (Бажарилган ишларни қабул қилиш топшириш далолатномасига асосан);

Дебет 241 “Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган хақиқий харажатлар” субсчёти кредит, 150 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” субсчётида акс эттирилади

3) Пудрат шартномасига асосан белгиланган тартибда қолган тўлов амалга оширилганда;

Дебет 150 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” субсчёти кредит 110 “Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар” субсчётида акс эттирилади.

Ўқитишнинг тўлов - контракт шаклидан тушган маблағлар бўйича таъмирлаш ишларини ташкил этилиши қуйидагича расмийлаштирилади:

1) Пудрат шартномасига асосан белгиланган тартибда ғазначилик бўлимлари томомонидан олдиндан тўлов амалга оширилганда;

Дебет 150 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” субсчёт кредит 111 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар” субсчётида акс эттирилади.

2) Пудрат шартномасига асосан белгиланган тартибда бажарилган таъмирлаш ишлари топширилганда (Бажарилган ишларни қабул қилиш топшириш далолатномасига асосан);

Дебет 251 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган хақиқий харажатлар” субсчёти кредит, 150 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” субсчётида акс эттирилади

3) Пудрат шартномасига асосан белгиланган тартибда қолган тўлов амалга оширилганда;

Дебет 150 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” субсчёти кредит 111 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар” субсчётида акс эттирилади.

Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига таъмирлаш ишларини ташкил этилиши қуйидагича расмийлаштирилади:

- 1) Пудрат шартномасига асосан белгиланган тартибда ғазначилик бўлимлари томомонидан олдиндан тўлов амалга оширилганда;

Дебет 150 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” субсчёт кредит 112 “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари” субсчётида акс эттирилади.


- 2) Пудрат шартномасига асосан белгиланган тартибда бажарилган таъмирлаш ишлари топширилганда (Бажарилган ишларни қабул қилиш топшириш далолатномасига асосан);

ТЎЛОВЛАР

(Касса харажати)

ХАРАЖАТЛАР

(хақиқий харажат)



2.2.3-чизма. Пудрат усулида тамирлаш бўйича касса ва хақиқий харажатлар⁸

Дебет 261 “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган хақиқий харажатлар” субсчёти кредит, 150 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” субсчётида акс эттирилади

- 3) Пудрат шартномасига асосан белгиланган тартибда қолган тўлов амалга оширилганда;

Дебет 150 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” субсчёти кредит 112 “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари” субсчётида акс эттирилади.

Бюджет ташкилотининг бошқа бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига таъмирлаш ишларини ташкил этилиши қуйидагича расмийлаштирилади:

- 1) Пудрат шартномасига асосан белгиланган тартибда ғазначилик бўлимлари томомонидан олдиндан тўлов амалга оширилганда;

⁸ Иқтисодий адабиётлардан фойдаланган холда муаллиф томонидан тузилган.

Дебет 150 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиilar билан ҳисоб-китоблар” субсчёт кредит 113 “Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар” субсчётида акс эттирилади.

2) Пудрат шартномасига асосан белгиланган тартибда бажарилган таъмирлаш ишлари топширилганда (Бажарилган ишларни қабул қилиш топшириш далолатномасига асосан);


Дебет 271 “Бошқа даромадлар бўйича хақиқий харажатлар” субсчёти кредит, 150 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиilar билан ҳисоб-китоблар” субсчётида акс эттирилади

3) Пудрат шартномасига асосан белгиланган тартибда қолган тўлов амалга оширилгандা;

Дебет 150 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиilar билан ҳисоб-китоблар” субсчёти кредит 113 “Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар” субсчётида акс эттирилади.

2.3 Хўжалик усулида таъмирлаш харажатлари ҳисоби.

Бюджет ташкилотларида таъмирлаш ишлари хўжалик усулида хам амалга оширилиши мумкин. Бунда таъмирлаш ишлари бюджет ташкилоти негизида ташкил этилган қурилиш таъмирлаш бригадалари томонидан амлга оширилиши мумкин. Яъни бюджет ташкилоти қурилиш материалларини кирим қилиб таъмирлаш ишларини амалга ошириши мумкин. Хўжалик усулида таъмирлаш ишлари қуйидаги босқичларда амалга оширилиши мумкин (2.3.1-чизма):



2.2.2-чизма. Бюджет ташкилотларида хўжалик усулида қурилиш – тамирлаш ишларини амалга оширилиши босқичлари⁹.

⁹ Муаллиф томонидан иқтисодий адабиётлар асосида тайёрланаган.


Хўжалик усулида амалга ошириладиган таъмирлаш ишларини амалга оширишда қўйидаги бирламчи бухгалтерия хужжатлари расмийлаштирилади:

- Бажарилган ишлар қиймати бўйича счёт фактура маълумотнома (харажатлар бўйича)
- Материал қийматликларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси;
- Бажарилган ишларни топшириш, қабул қилиш далолатномаси;
- Бухгалтерия маълумотномалари
- Иш вақтини ҳисобга оловчи табель ва бошқалар.

Юқорида келтирилган дастлабки бухгалтерия хужжатларига асосан таъмирлаш ишлари бўйича йиғма қайдномалар ҳамда 2-мемориал ордер – бюджет маблағларининг ҳаракатига доир жамланма қайднома, 381-сон шакл; 3-мемориал ордер – бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракатига доир жамланма қайднома, 381-сон шакл расмийлаштирилади.

Бу қайдномаларга асосан Бош журнал китоби ва тегишли ҳисбот шакллари расмийлаштирилади.

Материал қийматликларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси, табел ёки бажарилган ишларни топшириш қабул қилиш далолатномасига асосан бухгалтерия ходимлари тегишли бухгалтерия ўтказмасини расмийлаштиради. Яъни қурилиш таъмирлаш ишлари бўйича харажатларни тан олиниши ҳисобда акс эттирилади.



2.2.2-чизма. Бюджет ташкилотларида хўжалик усулида қурилиш – тамирлаш ишларини бухгалтерия хужжатларида акс эттиришининг схематик кўриниши¹⁰.

¹⁰ С.Мехмонов “Бюджет ҳисоби” Ўқув қўлланма. 2012 йил

Хўжалик усулида амалга оширилган таъмирлаш ишлари ҳам тегишли харажатларни акс эттирувчи (231,241,251,261,271) субсчётларнинг дебет томонида акс эттирилади.

Бюджет маблағлари хисобига хўжалик усулида харажатларни акс эттирилиши қуйидагича амалга оширилади.

- 1) Қурилиш материаллари сарфи амалга оширилганда;

Дебет 231 “Бюджет маблағлари бўйича хақиқий харажатлар” субсчёти, кредит 060 “Қурилиш материаллари” субсчётида акс эттирилади.

- 2) Қурилиш таъмирлаш бригадаси ходимларга иш хақи ҳисобланганда;

Дебет 231 “Бюджет маблағлари бўйича хақиқий харажатлар” субсчёти, кредит 173 “Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” субсчётида акс эттирилади.

- 3) Таъмирлаш жараёнида чет ташкилотлари хизматларидан фойдаланилганда;

Дебет 231 “Бюджет маблағлари бўйича хақиқий харажатлар” субсчёти, кредит 159 “Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар” субсчётида акс эттирилади.

Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар хисобига хўжалик усулида харажатларни акс эттирилиши қуйидагича амалга оширилади.

- 1) Қурилиш материаллари сарфи амалга оширилганда;

Дебет 241 “Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган хақиқий харажатлар” субсчёти, кредит 060 “Қурилиш материаллари” субсчётида акс эттирилади.

- 2) Қурилиш таъмирлаш бригадаси ходимларга иш хақи ҳисобланганда;

Дебет 241 “Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган хақиқий харажатлар” субсчёти, кредит 173 “Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” субсчётида акс эттирилади.

- 3) Таъмирлаш жараёнида чет ташкилотлари хизматларидан фойдаланилганда;

Дебет 241 “Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган хақиқий харажатлар” субсчёти, кредит 159 “Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар” субсчётида акс эттирилади.

Ўқитишининг тўлов - контракт шаклидан тушган маблағлар бўйича хўжалик усулида таъмирлаш ишларини ташкил этилиши қўйидагича расмийлаштирилади

- 1) Курилиш материаллари сарфи амалга оширилганда;

Дебет 251 “Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган хақиқий харажатлар” субсчёти, кредит 060 “Курилиш материаллари” субсчётида акс эттирилади.

- 2) Курилиш таъмирлаш бригадаси ходимларга иш хақи ҳисобланганда;

Дебет 251 “Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган хақиқий харажатлар” субсчёти, кредит 173“Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” субсчётида акс эттирилади.

- 3) Таъмирлаш жараёнида чет ташкилотлари хизматларидан фойдаланилганда;

Дебет 251 “Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган хақиқий харажатлар” субсчёти, кредит 159 “Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар” субсчётида акс эттирилади.

Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига таъмирлаш ишларини ташкил этилиши қўйидагича расмийлаштирилади:

- 1) Курилиш материаллари сарфи амалга оширилганда;

Дебет 261 “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган хақиқий харажатлар” субсчёти, кредит 060 “Курилиш материаллари” субсчётида акс эттирилади.

- 2) Курилиш таъмирлаш бригадаси ходимларга иш хақи ҳисобланганда;


Дебет 261 “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган хақиқий харажатлар” субсчёти, кредит 173“Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” субсчётида акс эттирилади.

- 3) Таъмирлаш жараёнида чет ташкилотлари хизматларидан фойдаланилганда;

Дебет 261 “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган хақиқий харажатлар” субсчёти, кредит 159 “Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар” субсчётида акс эттирилади.


ТҮЛОВЛАР

(Касса харжати)



ХАРАЖАТЛАР

(хақиқий харжат)



2.2.3-чизма. Хўжалик усулида тамирлаш бўйича касса ва хақиқий харжатлар¹¹.

Бюджет ташкилотининг бошқа бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига таъмирлаш ишларини ташкил этилиши қуйидагича расмийлаштирилади:

- 1) Курилиш материаллари сарфи амалга оширилганда;

Дебет 271 “Бошқа даромадлар бўйича хақиқий харжатлар” субсчёти, кредит 060 “Курилиш материаллари” субсчётида акс эттирилади.

- 2) Курилиш таъмирлаш бригадаси ходимларга иш хақи ҳисобланганда;

Дебет 271 “Бошқа даромадлар бўйича хақиқий харжатлар” субсчёти, кредит 173 “Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” субсчётида акс эттирилади.

- 3) Таъмирлаш жараёнида чет ташкилотлари хизматларидан фойдаланилганда;

Дебет 271 “Бошқа даромадлар бўйича хақиқий харжатлар” субсчёти, кредит 159 “Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар” субсчётида акс эттирилади.

Қўшимча қурилган, қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, реконструкция ёки модернизация қилинган асосий воситалар бўйича тугалланган ишларни қабул қилиш АВ-3-сон шаклдаги қўшимча қурилган, қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, реконструкция ёки

¹¹ Иқтисодий адабиётлардан фойдаланган холда муаллиф томонидан тузилган.

модернизация қилинган асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади. Ушбу далолатнома мазкур ишларни амалга оширган ва қабул қилиб олган шахслар томонидан имзоланади.

Қурилиш пудрат ёки хўжалик усулида амалга оширилишдан қатъи назар капитал қурилиш сметалари, смета-лойиха ҳисоб-китобларида ва титул рўйхатларида келтирилган бино ва иншоотларни барпо этиш, ускуналар, асбоблар, инвентарлар ва бошқа жиҳозларни сотиб олиш бўйича харажатлар бухгалтерия ҳисобида 071 “Тугалланмаган қурилиш” субсчётида ҳисобга олинади.

Агар қурилиш хўжалик усулида олиб борилаётган бўлса, қилинган харажат суммаларига 071 “Тугалланмаган қурилиш” субсчёт дебетланади ва пул маблағлари, ҳисоб-китоблар, қурилиш материаллари ва ўрнатиладиган жиҳозлар, мол етказиб берувчиilar ва пудратчиilar билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг тегишли субсчёtlари кредитланади.

Агар қурилиш пудрат усулида олиб борилаётган бўлса, у холда пудратчиilar томонидан қурилиш ишлари бажарилгандан сўнг тўлов учун тақдим қилинган ҳисобвараклар (счёtlар) суммасига 071 “Тугалланмаган қурилиш” субсчёт дебетланади ва 150 “Мол етказиб берувчиilar ва пудратчиilar билан ҳисоб-китоблар” субсчёti кредитланади.

Битказилган ва фойдаланишга топширилган қурилиш обьектлари далолатномалар асосида 01 счёtnинг тегишли субсчёtlари дебетига ва 071 “Тугалланмаган қурилиш” субсчёtinинг кредитига ёзилади.

Хулоса қилиб айтганда хўжалик усулида таъмиrlash харажатларини ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини кўриш мумкин

**З-БОБ. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАЪМИРЛАШ
ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

3.1 Таъмирлаш харажатлари ҳисоби назоратини ташкил этиш.

Маълумки бюджет ташкилотлари ўрнатилган тартибга мувофиқ назорат тафтиш бошқармалари томонидан назорат ва тафтиш ишлари амалга оширилади. Бу жараёнда таъмирлаш ишлари харажатларига алохидаги эътибор қаратилади.

Асосий воситаларнинг зарур ҳолатда бўлишини таъминлаш учун улар мунтазам равища тузатилиб турилади. Асосий воситаларни тузатиш билан боғлик операцияларни текшириш орқали қўйидагилар аниқланади:

- 1) барча таъмирлаш ишларини хужжатлар билан расмийлаштиришнинг тўғрилиги;
- 2) уларнинг ҳақиқий ҳажми ва таннархини аниқлаш;
- 3) таъмирлаш учун ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш;
- 4) таъмирлаш ишларида тасдиқланган сметалардан четга чиқилган харажатларни аниқлаш.

Асосий воситаларни таъмирлашдан ўз вақтида келишини назорат қилиш учун назоратчи таъмирланаётган обьектларнинг инвентарь дафтарлари бухгалтерия дафтарларидаги тузатиладиган асосий воситалар бўлимида мавжудлигини текширади.

Назоратчи смета-техник хужжатларини текширишда тузатилиши керак бўлган обьектларнинг техник кўриги далолатномалари, капитал таъмирлаш чоғида модернизация қилиш лойиҳалари мавжудлигини аниқлаши керак. Лойиҳа-смета хужжатлари амалдаги нархлар бўйича, шунингдек, капитал таъмирлаш тури учун белгиланган меъёр, таърифлар, баҳолар бўйича тузилиши кераклигини текширади.

Текшириш хусусияти кўп жиҳатдан таъмирлаш ишлари бажарилиши хусусиятига, унинг пудрат ёки хўжалик усулида амалга оширилганлигига боғлик.

Пудрат усулида бажарилганда назоратчи пудрат шартномасини ва ундаги шартларга риоя қилинганлиги:

- 1) лойиҳа-смета хужжатлар билан расмийлаштирилганлиги;
- 2) маблағ билан таъминланлаш манбалари мавжудлиги;
- 3) уларнинг белгиланган иш ҳажмига мувофиқлиги;
- 4) бажарилган ишлар сифатини, ишларни бошлаш ва тугалланишнинг шартномада кўрсатилган муддатларига риоя қилиниши;
- 5) бажарилган иш учун хисоб-китоб қилиш тартиби ва бошқаларни текширади.

Объектларни капитал таъмирлашдан сўнг қабул қилиш-топшириш далолатномалари асосида кирим қилишади. Тасдиқланган ҳисоб-китоб бўйича таъмирлашнинг смета қиймати ва тугалланган ишларнинг ҳақиқий қиймати бўйича киритилади. Бухгалтерияда таъмирлаш бўйича иқтисодий самарани аниқлаш учун далолатнома асосида ҳисобда ва инвентарь дафтарларда тегишли объект тавсифланиб, капитал таъмирлаш ва модернизация қилиш билан боғлик ўзгаришлар киритилади.

Хўжалик усулда - бажарилганда таъмирлаш харажатлари

Текшириш чоғида таъмирлаш сифатини назорат тарзида текширишда:

- 1) смета бўйича иш турлари ва ҳажмларини наряд бўйича ҳақ тўлаш ишлари билан солиштириш;
- 2) материаллар омборга кирим қилинганилигини текширилади.

Пудрат усулида бажарилган таъмирлаш ишлари текширишнинг хусусиятлари. Бу ҳолда таъмирлаш ишлари тузилган шартномалар асосида пудратчи ташкилотлар томонидан бажарилади, бунда 150 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” счётида акс эттириладиган, корхонанинг таъмирлаш ташкилотлари билан ҳисоб-китоблари текшириш объектлари бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, таъмирлаш ишлари тадбиркор жисмоний шахслар ёки тадбиркор бўлмаганлар билан тузилган пудрат шартномаларига асосан ҳам бажарилиши мумкин. Сарфларни харажатларга қўшиш фақат таъмирлаш ишларини бажариш сметаси шартнома билан кўзда тутилган ҳолатдагина мумкин.

Хўжалик усулида бажарилган таъмирлаш ишлари назоратининг хусусиятлари. У хўжалик муомалаларини хужжатлаштириш тартиби билан танишиб чиқиши керак. Дастребки хужжатлар (материалларни олиш учун талабнома ва бошқалар)да харажатларнинг йўналиши, яъни таъмирлаш ишлари кўрсатилиши лозим. Нуқсон (дефект)лар ведомостига асосан тузиладиган, чоракларга бўлинган, таъмирлаш ишларини ўтказишнинг 1 йиллик режасини тузиш мумкин. Бу тадбирлар ўз навбатида корхоналарга таъмирлаш мақсадида маблағлардан самарали фойдаланиш устидан назоратни кучайтиришга имкон яратади.

Хулоса қилиб айтганда, таъмирлаш харажатларини назоратини ташкил қилиш сметаларга асосан таъмирлаш учун ажратилган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланилганлигини баҳолаб беради.

3.2 Таъмирлаш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш йўллари.

Амалга оширилган жорий ва ўрта таъмирлаш харажатлари ва уларнинг дастлабки қийматини ўзгаришига сабаб бўлмайдиган капитал таъмирлаш харажатлари асосий воситалар таркибиغا киритилмайди ҳамда ҳисботларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари иқтисодий таснифининг тегишли кодлари бўйича хақиқий харажатлар сифатида акс эттирилади ва ҳисбот йилининг охирида молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) манбаси бўйича ҳисобдан чиқарилади.

Маълумки хозирги кунда бюджет ташкилотларида таъмирлаш харажатлари ҳисобини ташкил этиш бўйича меъёрий хуқукий мажмуа халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиқиб миллий моделимизга мос холда шакллатирилмоқда. Шулар жумласидан “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида йўриқнома” қабул қилиниши хар бир ҳисоб обьекти ҳисоби бўйича услубиёт шакллантириш имконини берди.

Умуман бюджет ташкилотлари ҳисоб тизимида амалга оширилаётган ислохатлар талабларидан келиб чиқиб таъмирлаш харажатлари ҳисобини такомиллаштиришда қўйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Таъмирлаш харажатлари ҳисобини қайд этишини йўриқнома талабларига қатий амал қилган холда амалга ошириш;
- Бюджет ташкилотларида капитал таъмирлаш ишлари Давлат сектори бухгалтерия ҳисоби миллий стандартини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- Таъмирлаш ишларини ўз вақтида тўғри бухгалтерия хужжатларида ҳамда ҳисоб регистрларида акс эттириш;
- бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан таъмирлаш ишлари харажатлари холатини акс эттириш учун ишчи счёtlар режасини тузиб олиш;
- Таъмирлаш харажатлари учун ажратилган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;
- Таъмирлаш харажатлари ҳисобини автоматлаштирилган шаклда ташкил этиш.
- Бюджет ташкилотларида таъмирлаш ишлари бўйича ички назорат услубиётини шакллантириш;

Юкорида кайд этилган таклифларни амалиётда уз ечимини топиши бюджет ташкилотларида таъмирлаш харажатлари ҳисобини яхшилаш имкониятини беради.

Хулоса

Асосий воситаларни иш холатида сақланишини таъминлаш, меъёрий хизмат муддатида фойдали ишлатиш, тўла эскириш хисоблангунга қадар таъмирлаш жараёнини амалга ошириш заруриятини келтириб чиқаради.

Курс ишида биз таъмирлаш харажатлари ҳисоби ва назоратини ташкил этишни тадқиқ қилдик. Тадқиқот давомида таъмирлаш ўаражатлари хисобини ташкил этиш бўйича тегишли хулоса ва таклифларга эга бўлдик.

Бюджет ташкилотларида таъмирлаш харажатлари ҳисобини ташкил этишнинг алоҳида хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

- Таъмирлаш харажатлари тасдиқланган сметаларда ажартилган маблағлар доирасида амалга оширилади;
- Бюджет ташкилотларида таъмирлаш харажатлари ҳисоби манбаасидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига, бюджетдан ташқари (Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов контракт шакли, ривожлантириш жамғармаси, бошқа маҳсус) маблағлар ҳисобига алоҳида ташкил этилади;
- Бюджет ташкилотларида тамирлаш харажатлари бўйича касса ва хақиқий харажатлар ҳисоби юритилади;
- Бюджет ташкилотларида таъмирлаш харажатлари ҳисоби қатий қонунчилик тартибида амалга оширилади ва бошқалар.

Бюджет ташкилотлари ҳисоб тизимида амалга оширилаётган ислохатлар талабларидан келиб чиқиб таъмирлаш харажатлари ҳисобини такомиллаштиришда қўйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисблаймиз:

- Таъмирлаш харажатларини ҳисобда қайд этишни йўриқнома талабларига қатий амал қилган холда амалга ошириш;
- Бюджет ташкилотларида капитал таъмирлаш ишлари Давлат сектори бухгалтерия ҳисоби миллий стандартини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- Таъмирлаш ишларини ўз вақтида тўғри бухгалтерия хужжатларида ҳамда ҳисоб регистрларида акс эттириш;
- бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан таъмирлаш ишлари харажатлари холатини акс эттириш учун ишчи счёtlар режасини тузиб олиш;

- Таъмирлаш харажатлари учун ажратилган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;
- Таъмирлаш харажатлари ҳисобини автоматлаштирилган шаклда ташкил этиш.
- Бюджет ташкилотларида таъмирлаш ишлари бўйича ички назорат услубиётини шакллантириш;

Умуман кайд этилган тавсияларни амалиётда ўз ижросини топиши бюджет ташкилотларида таъмирлаш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Меърий-хукуқий хужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, № 279-I сонли.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни, № 664-II сонли.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни, № 158-II сонли
4. “Солик кодекси” Ўз.Р 2007 йил 25 декабрдаги №ЎРК-136 – сон ЎзР. қонуни билан тасдиқланган
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет муассасаларини маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори.
6. “Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидалари” ЎзР АВ. томонидан 2009 йил 16 сентябрда № 2007 - сон билан рўйхатдан ўтган;
7. “Бухгалтерия ҳисобида хужжатлар ва хужжатлар айлануви тўғрисидаги Низом” Ўз.Р АВ. томонидан 2004 йил 14 январда № 1297-сон билан рўйхатдан ўтган;
8. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 19-сонли «Инвентаризацияни ўтказиш ва ташкил этиш» миллий стандарти. ЎзР АВ. томонидан 1999 йил 2 ноябрда № 833 - сон билан рўйхатдан ўтган.
9. “Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиқقا тортиби тўғрисида”ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат Солик қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2004 йил 10 марта 37,2004-26,20/1-сонли кўшма қарори.
10. “Асосий воситаларни баланс ҳисобидан чиқариш тартиби тўғрисида”ги Низом Ўз.Р АВ. томонидан 2004 йил 29 августда № 1401-сон билан рўйхатдан ўтган.
11. “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида Низом” ЎзР. ВМ 2003 йил 3 июлдаги 302 - сонли қарори билан тасдиқланган.
12. “Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган обьектларини сотиши, шунингдек уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби тўғрисида” Низом Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сон қарори билан тасдиқланган.
13. “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома Ўз.Р АВ.

томонидан 2010 йил 22 декабрда № 2169-сон билан рўйхатдан ўтган.

14. “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар” Ўз.Р АВ. томонидан 2011 йил 27 сентябрда № 2270-сон билан рўйхатдан ўтган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маъruzалари:

15. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Т.: “Ўзбекистон” 2009 й.

16. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

17. И.Каримов 2011-йилнинг асосий якунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишенгандан Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

3. Maxsus адабиётлар:

18. Мехмонов С.У. Бюджет ҳисоби. Ўқув қўлланма. Т.:Фан ва технология. 2012

19. Мехмонов С., Д.Убайдуллаев. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. Т.: Сано-Стандарт. 2013 йил.

20. Останақулов М. Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланмат.: "IQTISOD-MOLIYA", 2009.

21. Останақулов М. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2009.

22. Останақулов М. Давлат сектори ва бухгалтерия ҳисоби. Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2009.

23. Останақулов М. Бюджет ҳисоби. Дарслик. Т.: "TALQIN", 2008.

24. Красноперова О. Бюджетный учет - Москва: "ГроссМедиа Ферлаг", 2008.

25. Кондраков Н.П., Кондраков И.Н. Бухгалтерский учет в бюджетных организациях. -М.: Проспект, 2006.

26. Қосимова Г. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. Ўқув қўлланма. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2008.

27. Иқтисодий журналлар 2009-2012 йиллар.

28. Интернет сайtlари:

- www.lex.uz

- www.tfi.uz

- www.buh.ru

